Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 14 январь Чоршанба. №4 (14497)

**14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ХИМОЯЧИЛАРИ КУНИ**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг**
**ҚАРОРИ**

## «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида

***«Алпомиш» достонининг аждодларимиз ижодий даҳосининг бебаҳо бадиий ёдгорлиги сифатида жаҳон халқлари эпик ижодиёти намуналари ичида алоҳида ўрин тутишини, унинг мустақил ривожланиш даврида миллат бирлиги ва маънавий уйғониши, миллий ғурур ва ўз-ўзини англаш рамзига айланганлигини, ушбу достон яратилганлигининг 1000 йиллиги ЮНЕСКОнинг 1999 йилдаги тадбирлари режасига киритилганлигини инобатга олиб ҳамда фольклор меросини авайлаб-асраш ва авлодларга тўла етказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси***

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини 1999 йилда ЮНЕСКО иштирокида кенг миқёсда нишонлаш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

Ушбу санага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда тадбирлар ишлаб чиқсин ва уни амалга оширишга киришсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Бадиий академия, Ёзувчилар уюшмаси, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия, Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари биргаликда 1999 йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида «Алпомиш» достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти» мавзуида халқаро конференция ва Сурхондарё вилоятида тантанали байрам тадбирларини тайёрласинлар ва ўтказсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги:

«Алпомиш» достони, умуман, халқ ижоди намуналари асосида театр спектакллари, адабий-бадиий композициялар яратишни кенгайтирсин;

Фанлар академияси ва Бадиий академия билан биргаликда етакчи музейларда этнографик кўргазмалар ташкил қилсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Фанлар академияси, «Ўзтелерадио» ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Термиз шаҳрида 1999 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта фольклор асарлари ижрочиларининг мамлакат кўрик-танловини ҳамда халқаро фестивалини ўтказиш, энг яхши ижодкорларнинг асарларини ёзиб олиш, улар ҳақида телевидеофильмлар яратиш ишларини ташкил этсин.

4. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги вилоятнинг ички имкониятлари ҳисобидан Термиз ва Бойсун шаҳарларида замонавий дам олиш иншоотларига ва кичик спорт майдонларига эга бўлган «Алпомиш» боғларини ташкил қилсин.

5. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни 1999 йилда «Алпомиш» достонининг тўла нашрини ўзбек ва рус тилларида чоп этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси «Алпомиш» достонининг танланма тўпламларини, жумладан, достоннинг қорақалпоқ тилидаги вариантини, достон ҳақидаги тадқиқотлар ва илмий-оммабоп рисолаларни чоп этишни режалаштирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси:

«Алпомиш» достонининг академик нашрини амалга ошириш ва хорижий тилларда нашр этиш масаласини ҳал этсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси билан биргаликда 100 жилдлик «Ўзбек фольклори ёдгорликлари» тўпламларини нашрга тайёрласин ва 2001 йилдан бошлаб уни нашр этишга киришсин.

8. «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компанияси «Алпомиш» кўп серияли бадиий фильмини ва болалар учун мультипликацион фильмлар туркумини ҳамда атоқли халқ баҳшилари ҳақида ҳужжатли-публицистик фильмлар яратишни режалаштирсин.

9. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги «Алпомиш» достони сюжети, умуман халқ ижоди намуналари асосида ишланган суратлар, тасаввури билан боғлиқ рамзлар, халқ баҳшиларининг сиймолари акс эттирилган почта маркалари, открыткалар ва конвертлар туркумини чиқарсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, дахлдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 1998 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта миллий спорт ўйинлари - Алпомиш ўйинлари фестивалини ўтказсин.

11. «Ўзтелерадио» ва бошқа оммавий ахборот воситалари «Алпомиш» достони ва умуман ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг жаҳон маданияти тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини кенг ёритсинлар.

12. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва «Ўзтелерадио» «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллиги муносабати билан олиб борилаётган ишларни тарғиб-ташвиқ қилиш, жаҳон оммавий ахборот воситаларини зарур маълумотлар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети ҳамда Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджети, ҳомийлар ҳисобидан тенг улушларда қопланишини ҳисобга олган ҳолда маблағ ажратишни назарда тутсин.

14. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ**

**Тошкент шаҳри, 1998 йил 13 январь**

## ВАТАН ХИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли дўстлар!

Мамлакатимиз қудратининг ёрқин тимсоли, бунёдкор элимиз осойишталигининг асл посбонлари бўлган сиз азизларни - оддий аскару сержантларни, офицеру генералларни, барча ҳарбий хизматчиларни улкан байрам - Ватан ҳимоячилари куни билан чин дилдан муборакбод этаман!

Ватан ҳимоячиси деганда халқимиз кўз ўнгида, энг аввало, адл қоматига ҳарбий либос ярашган, туғилган юрти ва оқ сут берган халқини жондан севувчи, замонавий ҳарбий билим ва кўникмаларга эга, тинчлик ва барқарорликни сақлашдек олижаноб мақсад йўлида ҳар қандай жасоратга тайёр мард ва ботир ўғлонлар намоён бўлади.

Шердил ва ўтюрак йигитлар миллат кўрки, Ватан фахридир. Ота аскар ўғли тимсолида тинчлик посбонини, она фарзандларининг ҳимоячисини, бўйсара қизларимиз бўлажак умр йўлдошларини тасаввур қилишади. Шу маънода Ватан ҳимоячилари куни барчамизнинг байрамимиздир.

Сирасини айтганда, Ватан ҳимояси қадимдан энг олий қадрият саналиб келган. Юртимиз баҳодирларининг шижоати ва жасурлиги жаҳонга аён. Халқимизнинг асрий орзулари ушалган мустақиллик замонида озодлик дея жонларини аямаган ота-боболаримиз хотираларини ёдга олиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз деб биламан. Фидойиларнинг ёрқин хотираси Ватан йўлларини абадул-абад ёритиб туражак!

Азизлар!

Бугун биз Ўзбекистон Қуролли кучлари ташкил топганининг олти йиллигини нишонламоқдамиз. Ўтган қисқа даврда миллий қўшинимиз энг замонавий асосларда шаклланди. Уларнинг салоҳияти ва жанговар тайёргарлиги тобора ортиб бормоқда.

Ҳарбий бўлинмаларимизнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасидаги йирик машқларда, халқаро тинчликпарварлик тадбирларидаги иштироки, юксак ҳарбий маҳоратлари мамлакат тақдири ишончли қўлларда эканлигини кўрсатмоқда.

Президент сифатида ишонтириб айтаманки, давлатимиз ва халқимиз истиқлол посбонлари, осойишта ҳаётимиз кафолати бўлган Қуролли кучларимизнинг бундан буён ҳам ўз конституциявий ва фарзандлик бурчларини садоқат билан бажаришлари учун шарт-шароит яратишда ғамхўрлик кўрсатаверади.

Қадрдонларим!

Байрамингиз яна бир бор муборак бўлсин! Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат, она-Ватанимиз тинчлигини ҳимоя қилишдек шарафли ишингизда муваффақиятлар тилайман! Осмонимиз ҳамиша тиниқ ва мусаффо бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



## БИЗ ШУ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Яқин-яқиндагина мактаб қучоғида таълим олган ва келажак орзу хаёллари билан яшаган ўсмирлар бугун Ватан деган улуғвор сўзни дилга жо этиб, унинг хизмати йўлида юксак садоқат ва бетимсол меҳру муҳаббатини намойиш этаётган норғул йигитлар. Улар осмонимиз мусаффолиги, заминимиз тинчлиги, элимиз осойишталиги йўлида ўз бурчларини аъло даражада ўтаётирлар. Ҳарбий илм деган фақат йигит кишигагина хос бўлган ва унинг зиммасига юкланган санъатни эгаллаб эл ишончини оқламоқдалар. Юксак маҳорат билан ўтказилаётган таълим машқларида чиниқиб ўзларининг улкан ишларга қодир эканликларини намойиш этмоқдалар.

**Суратда шундай юртдошларимиздан бири оддий аскар Дилмурод Қурбонов.**

2-саҳифа

**Ҳикматулла ТУРСУНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, генерал-лейтенант**

## ВАТАН ВА ИСТИҚЛОЛ ҲИМОЯЧИЛАРИ

**МАМЛАКАТИМИЗ ТАРИХИГА 14 ЯНВАР АЛОҲИДА САНА -- ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ БАЙРАМИ, ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ ТАШКИЛ ТОПГАН КУН СИФАТИДА КИРГАН.**

Қуролли кучларимиз тарихи Ватанимиз тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Истиқлолимизнинг ўтган олти йили мустақиллик ғоялари ҳаётийлигининг, Ўзбекистон ўз ривожланиш, янгиланиш ва тараққиёт йўлига содиқ эканлигининг ёрқин намойиши бўлди. Республикамиз Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган ўнинчи сессияси буни яна бир бор тасдиқлади. Сессиянинг бутун иши, Президентимиз Ислом Каримовнинг ундаги нутқи шундан далолат беради, ҳаёт, жамиятдаги теран ўзгаришлар биз танлаган ислоҳотлар йўли тўғрилигини тасдиқламоқда.

Тарих силсиласида олти йил, бу - бир лаҳза. Бироқ, бугун мамлакатимиз босиб ўтган йўлга назар ташлар эканмиз, тарихан қисқа давр ичида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида: иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий соҳа, халқаро майдонда катта муваффақиятларга эришган давлатда яшаётганимиз, ишлаётганимиз ва хизмат қилаётганимиздан фахрланиш туйғуси қалбимизни қамраб олади.

Муваффақият ва ютуқларимиз ҳақида гапирар эканмиз, мамлакатимиз хавфсизлиги ҳамда минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш муаммолари доимий эътибор қаратишни талаб этаётган мураккаб шароитда янги жамият ва давлат қуришга тўғри келаётганлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Республикамиз раҳбарияти мамлакат хавфсизлигини таъминлаш масалаларида, давлатимизнинг ҳам ҳалқаро, ҳам ички ривожланиш шароитини инобатга олган ҳолда иш тутмоқда. Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сиёсий вазият таҳлили, Ўзбекистоннинг жанубий чегаралари яқинида бўлаётган воқеалар мамлакатимиз хавфсизлигига, халқимиз тинч ҳаётига ҳақиқий таҳдид мавжуд эканлигини кўрсатиб турибди. Шу маънода, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини, унинг Қуролли кучларини мустаҳкамлаш - давлат манфаатлари ва тинчликсевар халқимиз орзу-умидлари рўёби учун ҳаётий заруратдир.

Бугун босиб ўтган йўлимизни таҳлил қилар эканмиз, мамлакатимиз миллий хавфсизлигини, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш мақсадида ўз Қуролли кучларимизни ташкил этиш тўғрисида мамлакатимиз раҳбарияти 1992 йил 14 январда қабул қилган қарор оқилона ва узоқни кўзлаб қилинган иш бўлганини эътироф этмоқ даркор.

Қуролли кучлар қурилишининг илк босқичида қўшинлар ташкилий тузилишини такомиллаштириш, миллий кадрларни тайёрлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари, шахсий таркибни мустақиллик туфайли туғилган маънавий қадриятлар асосида ўқитиш ва тарбиялаш муаммолари биринчи даражадаги вазифа бўлди.

Қуролли кучлар ҳуқуқий базасини ташкил этиш бўйича амалга оширилган катта ишлар ўтиш даври мураккабликларини ҳал қилишда ёрдам берди. Бироқ, энг муҳими, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан давлатни ҳарбий ҳимоя қилишнинг қоида ва тамойиллари ишлаб чиқилгани, Қуролли кучлар қурилишининг йўллари ва воситалари кўрсатилгани, ҳарбий фан ва ҳарбий ишни аниқ мақсадга йўналтириш асослари белгилаб берилгани бўлди.

Бу масалалар 1995 йил 30 августда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳарбий Доктринада ҳам ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Президентимиз томонидан баён этилган миллий хавфсизлик тамойиллари Қуролли кучлар қурилишида муҳим аҳамият касб этди.

Уларда чегараларимиз, мустақиллигимиз ва суверенитетимиз ҳимоясини таъминлашга қодир ҳаракатчан, яхши тайёрланган ва жиҳозланган армияга эга бўлишимиз лозимлиги айтилган эди.

Олий Бош қўмондоннинг ана шу муҳим талаблари ва бошқа қабул қилинган ҳужжатлар асосида Қуролли кучларда ҳарбий ислоҳот изчиллик билан амалга оширилди. У ташкилий, кадрлар, тезкор-тактик, сафарбарлик, ўқитиш, тарбиявий ва қўшинлар ҳаёти ҳамда жанговар фаолияти учун зарур бошқа масалаларни ўз ичига олади. Бугун - Қуролли кучлар олти йиллигида унинг баъзи якунларини аниқ айта оламиз.

Биринчидан, Қуролли кучларни янги ташкилий-штат тузилишига ўтказиш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Иккинчидан, минтақадаги геостратегик ҳолат ва ҳарбий-сиёсий вазият инобатга олинган ҳолда қўшинлар жойлашуви давлат чегараларимиз ҳимоясини таъминлай оладиган даражада такомиллаштирилди.

Учинчидан, қўшинлар бошқарувининг барқарор тизими ташкил қилинди.

Тўртинчидан, миллий ҳарбий кадрлар, жумладан, олий ҳарбий тоифадаги кадрлар тайёрлаш муаммоси ижобий ҳал этилди.

Бешинчидан, қўшинлар тезкор-тактик ва жанговар тайёргарлиги, батартиблик, ўқув-жанговар ва тинчликпарварлик фаолиятида фавқулодда шароитларда ҳамкорликда ҳаракат қилиш ва вазифани бажариш масалаларини ўрганиш янада юксак даражага кўтарилди.

Олтинчидан, шахсий таркиб билан тарбиявий ишлар олиб бориш дастурига бизнинг янги маънавий бойликларимиз, буюк аждодларимиз тажриба ва ўгитлари, Президентимиз китоблари, маъруза ва нутқлари киритилди. Улар бизни ишчанликка, қўйилган мақсадга эришишда қатъиятли бўлишга, қўшинлар жанговар шайлигини, шахсий таркиб жанговар ўқув сифатини янада юксалтириш йўлларини мунтазам излашга ўргатади.

Еттинчидан, қўшинлар моддий-техник таъминотини, ҳарбий хизматчилар озиқ-овқат, кийим-кечак, молиявий ва тиббий таъминотини такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилди.

Республика раҳбарияти Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, уларнинг бошқармалари, бўлим ва хизматларидан, кадрларидан тиришқоқлик, катта меҳнат ва ҳаракат талаб этди. Чунки бу масалалар замири минг-минглаб кишилар манфаати ва тақдирига, якуний натижада бутун жамият, унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларига бориб тақалади.

Ўтган 1997 йил ҳам ҳарбий ислоҳотларни амалга ошириш борасида катта аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, миллий хавфсизлик тамойиллари, юзага келган ҳарбий-сиёсий вазиятга мувофиқ давлат чегараларимизни мустаҳкамлаш, эҳтимоли мавжуд бўлган иғвогарликларнинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилди. Таъкидлаш жоизки, бу масалаларни ҳал этиш Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар ва Мудофаа вазирлиги органларининг узвий ҳамкорлиги асосида амалга оширилди.

Марказий Осиёда биринчи бўлиб ташкил этилган Қуролли кучлар Академиясини илк қалдирғочлар битириб чиқди.

Ўзбекистон ҳарбий авиацияси тарихида янги саҳифа очилди - Жиззах авиация ҳарбий билим юртини биринчи учувчилар, муҳандис ва техниклар битириб чиқишди. Бу бизнинг Ҳарбий ҳаво кучларимиз жанговар шайлигини янада юқори даражага кўтариш имконини беради.

Чегара ва ички қўшинлар учун кадрлар тайёрлаш изчил амалга оширилмоқда. Тошкент чегарачилар олий ҳарбий билим юрти ва Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техник билим юртларини илк битирувчилар тамомлаб чиқдилар. Тошкент умумқўшин командирлари, Чирчиқ танкчи командир-муҳандислар, Самарқанд автомабилчи командир-муҳандислар олий ҳарбий билим юртларимизда кадрлар тайёрлаш янги поғонага кўтарилди. Бугун уларда Қуролли кучлар учун зарур бўлган барча асосий мутахассисликлар бўйича офицерлар тайёрланмоқда.

Ҳарбий ислоҳот мобайнида ва олдимизда турган вазифаларни ҳал этиш жараёнида қўшинларни жойлаштириш, шахсий таркиб учун муносиб турмуш ва хизмат шароити яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

1997 йил биз учун ҳарбий халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича ҳам муҳим босқич бўлди. Алоқаларимиз кўплаб ҳамдўстлик давлатлари билан, Марказий Осиё минтақасида Қозоғистон ва Қирғизистон билан сезиларли даражада мустаҳкамланди.

НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурида ҳам Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг ҳамкорлик фаолияти алоҳида ўрин тутади. Офицер ва аскарларимизнинг қатор йирик ҳарбий машқларда қатнашгани, айниқса, Ўзбекистон ҳудудида илк бор «Марказий Осиё Баталъони - 97» номи билан кенг қўламли ҳарбий машқлар ўтказилгани бу ҳамкорликнинг ёрқин кўринишидир.

Бу тадбирларда қатнашишни биз ўзимизнинг алоҳида кўзлаган мақсадимиз деб эмас, балки халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшишга интилишимиз, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қўшинлари тайёргарлиги тажрибасини ўрганиш, деб биламиз.

Қуролли кучларимиз олти йиллигини нишонлар эканмиз, унинг ташкилий, жанговар ва маънавий шаклланишида мамлакатимиз Президенти - Олий Бош қўмондонимиз Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига доимий ғамхўрлик кўрсатиб келаётганини алоҳида таъкидламоғимиз шарт.

Айнан ушбу ғамхўрлик туфайли бугун биз давлатимиз мудофааси учун зарур замонавий жанговар техника ва қурол-яроғларга, ўз миллий кадрларимиз, маънавий қадриятларимиз руҳида тайёрланган ва тарбияланган шахсий таркибга эгамиз.

Биз ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари моддий-маиший шароитини яхшилаш борасида мунтазам кўрсатилаётган эътибор учун ўзимизнинг фарзандлик миннатдорлигимизни билдирамиз.

Бу масалаларни ҳал этишда биз ҳар доим ҳокимликлар ва жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши ҳамда ғамхўрликларини сезиб турдик.

Доно маслаҳатлари ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳамда уларни армия хизматига тайёрлашда фаол иштирок этаётганликлари учун шавкатли фахрийларимизга алоҳида ташаккур ва миннатдорлигимизни изҳор қиламиз.

Шуниси қувончлики, кўплаб чет эллик сиёсатчилар ва мутахассислар баҳо беришича, армиямиз, ҳақиқатан ҳам, Марказий Осиё минтақасида энг жанговар ҳисобланади. Бироқ, ютуқлар билан қифояланиб қолишга ҳаққимиз йўқ. Чунки ҳаётнинг ўзи хавфсизлигимизни таъминлаш учун Қуролли кучларимизни тайёрлашда янгича ёндашувларни талаб этмоқда.

Улар олдин ишлаб чиқилган қоидалар билан бир қаторда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида ўзининг мужассамлашган ифодасини топди.

Китобдаги қоидалар шундайки, бизнинг Қуролли кучларимиз ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилишга тайёр туриши, ҳар доим жанговар салоҳиятга эга бўлмоғи керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг кейинги мажлисида кўтарилган масалалар ҳам биз учун алоҳида муҳим аҳамиятга эга.

Унда Қуролли кучлар тузилишини янада такомиллаштириш, унинг айниқса, давлатимиз чегараларини мустаҳкамлашда чегара ва ички қўшинлар билан биргаликдаги ҳаракатини кучайтириш ҳақида гап борди.

Қўшинларни тайёрлашнинг негизини биринчи навбатда сифат масалалари ташкил этади.

Бундан келиб чиққан ҳолда фаолиятимиз шахсий таркибни жанговар тайёрлашга, техника ва қурол-яроғлардан фойдаланиш маҳоратини пухта эгаллашга, уюшқоқлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга йўналтирилади.

Ишончим комилки, ушбу қутлуғ байрам - Ватан ҳимоячилари кунида Она юртимиз хавфсизлиги, унинг бугуни ва буюк келажаги учун ҳар биримиз ўз ўрнимиз ва шахсий масъулиятимизни янада чуқурроқ ҳис қиляпмиз. Ишонамизки, ўз халқи ҳамда Президентига содиқ Қуролли кучлар шахсий таркиби мустақил Ватанимизни, унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишдек мураккаб ва масъулиятли вазифани шараф билан уддалайди.

**ЎзА**

## ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ МОСКВАДА НАШР ЭТИЛДИ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДА ЖАҲОНДА ЮЗ БЕРАЁТГАН МУРАККАБ МУАММОЛАРГА ЎЗ МУНОСАБАТИ, МУСТАҚИЛ НУҚТАИ НАЗАРИ НИҲОЯТДА АНИҚ ВА ТЕРАН ИЛМИЙ АСОС БИЛАН АКС ЭТТИРИЛГАН «ЎЗБЕКИСТОН XXI АСР БЎСАҒАСИДА: ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД, БАРҚАРОРЛИК ШАРТЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТЛАРИ» КИТОБИ ДУНЁНИНГ КЎПГИНА ТИЛЛАРИГА ТАРЖИМА ҚИЛИНИБ, ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ТОМОНИДАН КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН КУТИБ ОЛИНДИ.**

Ҳақиқатан ҳам, бу асарда кўтарилган долзарб масалалар нафақат ватандошларимизни, балки хорижий мамлакатлар аҳлини ҳам бефарқ қолдирмайди. Китобда мустақилликка эришган янги давлат - Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тутган муносиб ўрни, мавқеи, улуғ вазифаларни амалга оширишга қаратилган тараққиёт йўли теран илмий асосда баён этилган. Жаҳон ҳамжамиятининг янги аср бўсағасида дуч келаётган муҳим сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммолари ечимига бағишланган ушбу китоб чет эллик кўплаб йирик сиёсий арбоблар, олимлар, иқтисодчилар томонидан чуқур ўрганилмоқда, таҳлил қилинмоқда. Чунки бу китобдаги ғоя ва хулосалар назариётчининг бетараф кузатувлари эмас, балки янги замон сиёсий арбобининг серқирра амалий фаолияти билан боғлиқ ҳаётий тажрибалар маҳсули экани билан ҳам, айниқса қимматлидир.

Ислом Каримов тараққиётимизнинг кафолатлари ҳақида мушоҳада юритар экан, «биз ўз эзгу мақсадимизга албатта эришамиз, озод ва обод жамият барпо этамиз», деб қатъий таъкидлайди. Муаллиф ишонч билан: «Жаҳон цивилизацияси хазинасига улкан ҳисса қўшган бой тарихимиз, буюк маданиятимиз, кўп авлодларнинг ҳаёти давомида вужудга келган беқиёс табиий ва ақл-заковат имкониятларимиз, халқимизнинг юксак маънавияти ва ахлоқий қадриятлари, заминимизда яшаётган одамларнинг меҳнатсеварлиги, саховатлилиги, бағрикенглиги ва жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллашга бўлган истаги бунинг гаровидир», дейди.

Москванинг таниқли «Дрофа» нашриёти Ислом Каримовнинг мазкур китобини рус тилида кўп минг нусхада нашр этди. Бу китоб Россия жамоатчилигини Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, эркин, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида қилинаётган тарихий ўзгаришлар билан янада яқинроқ таништиришда муҳим аҳамият касб этади.

Муаллиф ўз китобининг якуний қисмида жаҳон тараққиётининг мураккаб муаммолари таҳлилидан чиқарган асосий хулосасини шундай баён этади: «Ийманаман комилки, - деб ёзади у, - тарихни можаролар ва адоват эмас, балки халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч олға ҳаракатлантиради».

«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби нафақат мустақил Ватанимиз, балки бутун Ер юзида тинчлик, осойишталик ҳукм суришига, ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик ришталарининг мустаҳкамланишига холисона хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

**ЎзА**

## КЎЗЛАРИДА ҚАТЪИЯТНИ УҚДИМ

Қисмга ёш аскарлар келди. Қадрдон қисми, командирлари, бир оила фарзандларидек бўлиб қолган сафдошлари билан хайрлашаётган аскарнинг кўзларида билинар-билинмас ёш кўринади. Йигитлик мактабидаги ўрнини, ўз бурчини шараф билан ўташга келган ёш аскарга бўшатиб бераётгани сабабли эмас, балки ушбу мактаб унга ҳаётдан чуқур сабоқ бергани учун. Ҳа, отангдек азиз командирларинг, табаррук бўлиб қолган қисминг, ҳамиша елкадош сафдошларинг билан хайрлашиш осонми...

Қисмга яқинда келган аскарларнинг сафда юриш машқларига узоқдан разм соламан.

-- Бир, бир, бир, икки, уч...

Сафда шахдам қадам ташлаб юриш машқи даставвал рисоладагидек чиқмайди. Кичик командир қайтадан команда бериб, машқни такрорлайди. Бир қарашда ёш аскарларда тажрибасизлик, армия ҳаётига ҳали кўникмаганлик бордек туюлади. Уларни эринмасдан кузатиб тураман. Бу галгиси эса аниқ, худди Низомда кўрсатилганидек тўғри бажарилди. Ҳа, такрорлаш-билишнинг онасидир, дея бежиз айтишмаган. Зеро, машқда доимо қийин кечиши тажрибадан маълум.

Ёш посбонлар учун тайёрланган казармани кўздан кечираман. Казарма тоза, озода. Тўрда аскарларнинг дам олиш соатларини сермазмун ўтказишлари учун телевизор, видеомагнитафон қўйилган. Деворга илиб қўйилган жанговар варақаларга эътибор қаратаётганимни сезган ёш аскарлар бўлинмаси командири катта лейтенант Баҳром Оллоёров: "Ҳайрон бўлманг. Жанговар варақаларни қисмга яқиндагина йигитлик бурчини ўташга келган аскарларимизнинг ўзлари чиқаришган," -- деди.

Бундай қобилиятли, тиришқоқ, изланувчан аскарлар ҳарбий соҳа сир-асрорларини тезда ўрганиб олади. Командир мен билан суҳбатлашиш учун атайлаб сара аскарларни ажратади, дея ўйланиб тургандим.

-- Истаган аскарингиз билан суҳбатлашинг. Бари ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол йигитлар, - дейди командир гўё фикримни уққандек.

❶



**Истиқлол йигитлари. Улар бугунги кунда эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилиб, ҳарбий таълимни пухта ўзлаштириш билан бирга ўз ота-оналари ишончларини тўла оқламоқдалар.**

## ЎЗБЕКИСТОН АСКАРЛАРИМИЗ

Ташлаб дадил, мардона қадам,
Биз майдондан ўтамиз шахдам.
Еру само келар ларзага,
Қўшиқ бизга жўровоз, ҳамдам.

НАҚОРАТ:

Амир Темур авлодларимиз,
Озод юртнинг Фарҳодларимиз!
Ўзбекистон аскарларимиз,
Ёш, навқирон лашкарларимиз!

Қўлимизга тутганмиз қурол,
Бурчимизни ўтаймиз ҳалол!
Кўкрагимиз қалқон ҳамиша,
Диёримиз кўрмагай завол!

НАҚОРАТ:

Ватан-иймон, Ватан-жонимиз,
Сарҳадларнинг мард посбонимиз!
Эл яшасин тинч ва осуда,
Мусаффодир юрт, осмонимиз!

НАҚОРАТ:

Амир Темур авлодларимиз,
Озод юртнинг Фарҳодларимиз!
Ўзбекистон аскарларимиз,
Ёш, навқирон лашкарларимиз!

Искандар РАҲМОН

# ВАТАНГА ФИДОЙИЛАР КЕРАК

❷

**Оддий аскар Муқумбек ҲОЖИМАТОВ :**

-- Хизматга чақирилганимга қадар Фарғона политехникумининг ҳуқуқшунослик бўлимида сиртдан ўқирдим. Тўғрисини айтсам, армия ҳақида тасаввурларим бошқача эди. Йигитлик бурчимни ўташга яқинда келган бўлсамда, ҳарбий хизмат ҳақида ўз фикрларимга эга бўлдим. Пўлат тобланганда билинганидек, йигитнинг марди халқнинг, Ватанининг бирон-бир кунига, хизматига яраганида билинади.

Жанговар, тактик, жисмоний, ижтимоий-сиёсий машғулотлар мунтазам ўтказиб борилмоқда. Армия ҳаёти борасидаги кўникмаларимизнинг ошишида ротамиз командири лейтенант Салриддин Абдувалиев, кичик командиримиз сержант Шерзод Курбоновнинг хизматлари беқиёс. Сафдошларим билан бўлган суҳбатларда уларга ҳуқуқлари, мажбуриятлари, Конституциявий бурчлари борасида ўрганганларимни сўзлаб бераман. Отам - Саидбек Ҳожиматов ва онам - Замирахон Ҳожиматоваларга аскарлик саломимни йўллайман.

**Оддий аскар Музаффар ТОИРОВ:**

-- Мен Ангрен давлат техника коллежида иссиқлик энергетикаси ихтисослиги бўйича ўқирдим. Хизматга келганимга кўп бўлмасдан, менда дастлабки кўникмалар ҳосил бўлмоқда. Масалан, армия ҳаётидаги тартиб-интизом менга жудаям қўл келяпти. Негаки тартиб-интизом билан амалга ошириладиган ҳар қандай юмуш бесамар кетмайди. Сафда юриш машқлари умумҳарбий Низомлари борасида офицер ва кичик командирларимиз олиб бораётган ишлар самарали бўлаётир.

Сирасини айтганда, аскарларнинг яқин сирдоши, дўсти кичик командирлар бўлади. Кўнглидаги бирор-бир гапини офицер командирига айтишга андиша, истиҳола қиладиган ёш посбон кичик командири билан тиллашади. Шунинг учун ҳам ёш аскарлар билан ишлашда кичик командирларга алоҳида масъулият юкланади. Сержант Фарруҳ Қўзибоев ҳам суҳбатимизга қўшилди:

-- Мен ёш аскарлар ротасида взвод командирининг ўринбосари вазифасини бажараяпман. Биз йигитлик мактаби остонасига ҳатлаган маҳалимиз гўр, тажрибасиз эдик. Хизматни энди бошлаган ҳозирги йигитлар ҳақида эса фикрим бўлакча. Қуролли Кучларимиздаги ижобий ўзгаришлар, таълим-тарбия муассасаларидаги самарали меҳнат, назаримда бугунги кун посбонини бирмунча улғайтирган. Негаки, ёш посбонларда жанговар машғулотларга қўникиш, уларни тез илғаб олиш сезилмоқда.

**Оддий аскар Жамол МАТЁҚУБОВ:**

-- Яратилаётган шароитларни кўриб давлатимизнинг ғамхўрлигидан қувонасан, киши. Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистоннинг -- жонажон Ватаннинг посбони бўлиш - шараф. Муҳими бу ғамхўрликларни, бу юксак ишончни суиистеъмол қилмасдан она юртга аъло даражада хизмат қилиш. Ўйлайманки, кичик командирларимиз-сержантлар: Қаҳрамон Ризақулов, Озодбек Каримовлар қилаётган саъй-ҳаракатлар йигитлик мактабидаги кўникмаларимизни бойитади.

Ёш посбонлар билан суҳбатлашар эканман, уларнинг кўзларида ана шундай қатъиятни уқдим.

## ЎЗ КУЧИГА ИШОНАДИ

Қуролли Кучларимиз йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Яъни, мустақил Ўзбекистонимизнинг ижтимоий ҳаётида бўлаётган улкан ўзгаришлар бу соҳани ҳам четлаб ўтгани йўқ. Яқиндагина Марказий Осиё ҳудудида ягона бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясининг илк битирувчилари мамлакатимиз мудофаа қудратининг шаклланиши учун ҳарбий қисмларга йўл олишган бўлса, ҳарбий билим юртларимизни тугатган ёш офицерлар ҳам ўз билимларини амалиёт билан уйғунлаштириш мақсадида қисм, бўлинмаларга жўнаб кетишди. Демак, истиқлол мафкураси негизида таҳсил олган ҳарбийларимиз, ёш офицерларимиздан жуда катта масъулият талаб этилади.

Инсон моҳияти энг аввало унинг хоҳишларида акс этади. 1975 йилда Фарғона вилояти, Бағдод туманининг Амиробод қишлоғида туғилган Комилжон ҳам ёшлигидан ҳарбийларга ҳавас билан улғайди. Ҳарбийлар ҳаёти билан боғлиқ адабиётлар, фильмлар уни ўзига тортарди. Ҳатто мактабда ўқиб юрган кезларида ҳам тенгқурлари билан ҳарбийлар ҳақида соатлаб баҳслашарди. Ўғлининг аниқ бир мақсад йўлида интилиб ўсаётганини фаҳмлаган Мўйдинжон ака ва Ойшабуви опалар Комилжонни 1990 йилда Фарғонадаги ҳарбий лицейга ўқишга беришди. Лицейни намунали ҳулқ ва аъло баҳолар билан тугатган Комилжон 1993 йилда Чирчиқ танкчи командирмуҳандислар олий билим юртига қабул қилинди.

Лейтенант унвони топширилган куни Комилжон Дархоновнинг орзулари рўёбга чиқди, десак янглишмаймиз. У билим юртида устозларидан олган сабоқларини амалиётда бойитишга ошиқарди. Мана ўша кун ҳам келди. Ёш лейтенантни йўлланма билан танкчилар бўлинмасига жўнатишди. Капитан Бекмирзаев командирлик қилаётган мазкур бўлинмасида у ўз хизматини бошлар экан, офицер деган номнинг қанчалик масъулиятли ва шарафли эканлигини англай бошлади.

--Командирлар катта лейтенант Ҳ.Раҳмонов, катта лейтенант М.Соатқулов, лейтенант Ғ.Тиллаевлар ўз тажрибалари билан ўртоқлашиб, мендан дўстларча ёрдамларини аямаяпти, -- дейди взвод командири лавозимида ишлаётган лейтенант К.Дархонов.

Комилжоннинг қадами қутлуғ келиб, батальон шахсий таркиби ўқув мавсумининг якуний босқичида яхшигина кўрсаткичларга эришди. У командирлик қилаётган взводдаги оддий аскарлар -- О.Шокиров, Қ.Ризақулов, О.Каримовлар эса ўз ютуқлари билан сардорининг юзини ёруғ қилишди. Ҳа, қатъият, сабот билан қилинган ишнинг меваси ширин бўлади.

Инсон ўз кучига ишонсагина бирор ютуққа эриша олиши мумкин. Зеро, қисмга яқинда келган ёш офицер Комилжон Дархонов ҳам ўз куч-қувватига ишонади.

## РУСТАМЛАРНИНГ АСЛЛАРИ

-- Тўхта ким келаяпти!

-- ...

-- Тўхта, отаман!

Постга яқинлашаётган кимса соқчининг буйруғига ноилож бўйсунди. Ушланган қоидабузар ҳақида соқчи Низомда кўрсатилган тартиб асосида қоровуллар бошлиғига хабар берди. Қоровуллар бошлиғи катта лейтенант Сакен Бекжонов 3 нафар аскар билан зудликда етиб келди. Ўз бурчини виждонан бажаргани учун постда турган соқчи -- оддий аскар Рустам Бозоровга миннатдорчилик эълон қилинди. Ота-онаси номига ташаккурнома йўлланиб, навбатдан ташқари таътил берилди.


Қашқадарёнинг Яккабоғ туманидан хизматга чақирилиб, қўриқчилар бўлинмасида ўз йигитлик бурчини ўтаётган оддий аскар Рустам Бозоров шу воқеа баҳона бутун учувчилар қисмига овоза бўлди. Унинг жанговар ҳушёрлиги, жасурлиги ҳақида сафдошларида илиқ таассуротлар уйғонди.

Инсонда жасурлик, мардлик, ватанпарварлик ўз-ўзидан уйғонмайди. Бу олижаноб туйғулар аввало эзгулик томир отган юракларда яшайди.

Оилавий муҳитдаги тарбия Рустамжоннинг қалбида инсоний фазилатлар учун йўл очди. Умрзоқ ака ва Гузорбиби аяларнинг панд-насиҳатлари, маслаҳатлари аллақандай бир бўшлиққа сингмади. Балки ёш Рустамжоннинг қалбидаги маънавий кемтикларни тўлдирди. Ота-она ўғлимиз афсонавий Рустамдек баҳодир, жасур, Ватан учун жонини аямайдиган фарзанд бўлсин, дея шу исмни афзал кўришганди. Ҳа, исм танлашда янглишмаган эканлар.

-- Рустамжон, сиз қўриқлаётган ҳудудга ўша кимса (жиноятчи) яқинлашаётганда ҳеч қандай қаяжон, қўрқув бўлмадими? -- дейман ҳазиллашиб.

-- Аввало, мен Низомда кўрсатилган мажбуриятни бажардим. Қолаверса, ота-онам менга оқ фотиҳа беришганда: "Юртнинг муносиб ўғлони бўл, уни хавф-хатардан ҳимоя қил. Шунда Ватанинг, халқинг олдида юзинг ёруғ бўлади", дейишган. Ўйлайманки, оддий посбонлик ва фарзандлик бурчимни адо этдим, холос. Менда қўрқув ва ҳаяжондан устун турувчи туйғу -- Ватанга муҳаббат туйғуси бор, -- деди у ғурур билан.



Оддий аскар Рустам Бозоров хизмат қилаётган қўриқчилар бўлинмаси командири катта лейтенант Фарҳод Эгамбердиев ҳам қўл остидаги бу посбон йигитнинг жанговар-ўқув машғулотларида фаол қатнашишини, сафдошларига доимо ёрдам беришини таъкидлади.

Рустамжоннинг ўзига ўхшаб юрагида Ватан туйғуси алангаланган дўстлари бор. Оддий аскарлар -- М.Жўраев, С.Сиддиқов, М.Оқмирзаев, А.Муҳаммадаминовлар шулар жумласидан.

Изгирин шамол аъзои-баданини чимчилаб-чимчилаб хумордан чиқмоқда. Шаррос қуяётган ёмғир эса шамол билан келиб юз-кўзга урилади. Шамол ва ёмғир гўё атайлабдан постда турган соқчини чалғитишга уринаётгандек.

Аммо ишониб топширилган масъулиятли вазифа, бурчга садоқат ташқи таъсирларга зарба беради. Соқчи бир дақиқа ҳам диққатини бўлмасдан, ўз постини мардонавор қўриқлаяпти. Аслида осойишталигимизни, тинчлигимизни қўриқлаяпти ўзбекнинг Рустамлари.

**Суратда: оддий аскар Рустам БОЗОРОВ**

## ИШ ЭГАСИНИ ТОПДИ

Одамзодда ажойиб хислат бор: у қаерда тер тўкиб ишлаган бўлса, қаерга меҳнати кўпроқ сингган бўлса, ўша ер кўзига иссиқ туюлади. Йиллар ўтиб ўзи экkан ниҳолларинимми, қурган биноларинимми бориб кўргиси, завқ олгиси келади.

Шомурод Эсонов ҳам 1995 йили Белорусга йўли тушганида 1991 йилгача хизмат қилиб кетган алоқачилар қисмига кирмасдан ўта олмади. Аввал аскарлар ошхонаси томон юрди... Ҳа, шунча йил ўтиб кетса ҳам бироргина ўзгариш йўқ. Ўзи ошхона бошлиғи бўлганида бошланган таъмирлаш ишлари шу ҳолича -- чала турибди. Елиб-югурганларига -- меҳнатларига ачинди. Командирлари "яна ўзинг келиб ишни қўлингга ол", дея таклиф қилишди. Рози бўлмади. "Агар хизмат қиладиган бўлсам ўз юртим бор", дея гапнинг дангалини айтиб қўя қолди.

Буни қарангки, худди кўнглидагини сезиб тургандек сафардан қайтиб келганидан сўнг уни мудофаа ишлари бўлими орқали муддатдан ташқари ҳарбий хизматга чақиришди. Ҳеч иккиланмай рози бўлди. Ахир ўз туғилган еringда хизмат қилганга нима етсин.

Хуллас, кўп ўтмай у мотоўқчилар қисмидаги аскарлар ошхонасини қабул қилиб олди. Ҳар ҳолда касбининг пастбаландини яхши тушунадиган йигит эмасми, камчиликлар бир қарашдаёқ кўзига ташланди. Шунинг учун ҳам дарҳол ғайрат-шижоат билан хизматни бошлаб юборди. Қисм командирлари ҳам бу сергайрат йигитга далда бериб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашди.

Энг аввало тозаликка, овқатларнинг сифатига эътибор берди. Ўйриқчи ошпаз ва оддий ошпазларни ўрни-ўрнига қўйиб чиқди. Қозонлар, электроплиталар қайтадан таъмирланди. Янги идиш-товоқлар олинди. Албатта, ишлар қўлами бу билан тугамади. Езги ошхона қурилди, ташландиқ бўлиб ётган ер гулзорга айлантирилди.

Ҳа, ишлаб ўрганган одамга қийинчиликлар чўт эмас. Меҳнатининг натижасини кўриб қувонади, бундан ҳам яхшироқ ишлагиси келади. Муддатдан ташқари хизмат старшинаси Шомурод Эсоновнинг ўтган йилги хизматлари ҳам мақтовга сазовор. Бирин-кетин ошхонанинг барча цехлари, хоналари таъмирланди. Асосий залнинг деворларига ёғоч билан ишлов берилди, энди иккинчи залга зарур асбоб-анжомлар, стол-стуллар олиш мўлжалланмоқда.

Иш эгасини топганини аскарлар ошхонасига кирган ҳар қандай одам дарҳол сезади. Стол-стул, ўтиргичлар худди яп-янгидек. Чизилган ёки қирилган жойига кўзингиз тушмайди. Ҳар бир столда чиройли гуллар, қўл арткичларгача бор.

Аскарлар ошхонасини бир бошдан айланиб чиққанимиздан сўнг хурсандчилигимни яшира олмадим: "Уртоқ старшина, бу ёғини жуда боплабсиз-ку!" -- дедим.

-- Ҳа, энди истак, интилиш бўлса, командирлар ҳам қўллаб-қувватлаб турса, битмайдиган ишнинг ўзи йўқ, -- деди у.

Командирлардан буйруқ кутиб турмасдан ҳар бир ишга ижодий ёндашадиган, камчиликларни тезда бартараф қилмагунча тиниб-тинчимайдиган бу йигитда гап кўп экан. Суҳбатимиз яна давом этди.

-- Ҳар якшанбада палов, кунора димлама пиширамиз. Айниқса фаслларга қатъий эътибор берамиз. Энг яқин ёрдамчиларим старшина Алишер Деҳқонов, кичик сержант Отабек Мавлонов каби қўли ширин ошпазларимиз ва уларнинг шогирдларидан барча хурсанд.

Энди янги залимизни ҳам безатсак, фойега чиройли қандиллар ўрнатсак, кейин "Сайроқи қушлар бурчаги"ни ташкил қилсак, кўнглим сал тинчир эди.

Ўзимча кулиб қўйдим. Чунки бундай тиниб-тинчимас, ҳар қандай ишни битказадиган йигитларнинг режаси адо бўлмаслигини, кўнгли ҳам тинчимаслигини яхши биламан. Ишончим комилки, яна йўлим тушиб офицер И.Худойбердиев командирлик қилаётган ушбу мотоўқчилар қисмига бориб қолсам, мақоламиз қаҳрамонининг янги-янги ишлар, режалар оғушида юрганини кўришимиз аниқ.

**Катта лейтенант Азимбек УСМОНОВ**

*Аскар мактублари*

## МУҚАДДАС БУРЧ

Ассалому алайкум, ҳурматли дадажон, меҳрибон онажоним, синглим Ҳанифахон! Яхши юрибсизларми, соғлиқларингиз қалай? Ушбу мактубни ватан ҳимоячилари сафида ўзининг йигитлик бурчини адо этаётган ўғлингиз Азимжондан деб билгайсиз.

Онажон, мени кузатиб қўяётганингизда пича кўз ёш қилиб олдингиз, эсингиздами? Ушанда бунинг боисини дарров англабетмаган эканман. Ахир қайси ота-она ўз фарзандининг баркамол инсон бўлиб етишишини истамайди, дейсиз. Ўғлининг бугун юрт корига яраётгани, замин узра тинчлик ва осойишталик унинг фарзандига ҳам боғлиқлигини кўрган онанинг кўзларига ўшанда севинч ёшлари қалқиган экан! Хизмат қилаётганимга ҳам олти ой бўлиб қолди. Мендан хавотир олманг. Ўзимни яхши ҳис қилаяпман.

Ростини айтсам, ғурур деган туйғунинг эндигина туб моҳиятига етиб боряпман.

Ота, эсингиздами бизни ҳамиша жиддий, мустақил, ўз-ўзимизга талабчан бўлишга, ўзгалар олдида масъулиятни астойдил ҳис этишга ундар эдингиз. Бордию, бирон-бир юмушни охирига етказа олмай қолсак, биздан қаттиқ ранжиб, гоҳи урушиб ҳам берардингиз. Уша урушганларингиз, айтган ўгитларингиз энди менга фойда беряпти.

Ҳанифа, синглим, ўқишларинг яхшими? Дарсларни сира бўшаштирмай пухта ўзлаштиравер. Айниқса инглиз тили ва компьютерни пухта эгалла, чунки замон талаби даражасидаги мутахассис бўлиб етишишда улар сенга жуда қўл келади.

Ўзлигимизни англаб, турмушимизни яна ҳам яхшилаб боришдек эзгу кунларга етган эканмиз, юртимиз осойишталиги, хавфсизлиги учун жавобгарлик ҳиссини яна бир карра туймоқдамиз. Ахир ҳар бир мард ўғлоннинг муқаддас бурчи ҳам шу азиз диёрнинг ҳимоясидир!

**Салом билан, ўғлингиз**

**Ҳамиджон УМРЗОҚОВ,**
**оддий аскар, Термиз горнизони**

Саҳифани А.Сафаров («Ватанпарвар») ва Н.Усмонова («Туркистон») тайёрлади



## Бобурхонлик

Тўққиз юзу олтинчи ҳижрий санада Навоий ҳаёт эди. Бобур мирзо Андижон тахтидан йиқитилган темурийзода амирлардан кўмак ва мадад келишига кўз тутиб, Сайхун дарёси бўйлаб Тошкент томон йўл олган эди. Ҳиротда ички низолар билан банд бўлиб қолган Султон Ҳусайн мирзо темурийлар салтанатидан кўра кўпроқ ўз тинчлигини ўйлаб, нисбий тинчликни ва нисбий салтанатни сақлаб қолиш учун ҳатто ёғий билан тил бириктиришга рози бўлади.

***"Султон Ҳусайн мирзодек мардона ва соҳиб тажриба подшоҳ бизга мадад қилмай ва кўмаклар бериб, элчи йибормай, Шайбоқхонга Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳийни муҳосара овонида элчиликка йиборди"***, деб ўпкалайди Бобур.

Бобур ўн етти яшар бўз бола эди. Ҳали салтанат кошонасида рўй берадиган ҳийла-найрангларни яхши билмасди. Омонат мақсадга мос келса инсоний муносабатлар сақлаб қолинади. Аксинча, фоний мақсадга хилоф бўлса, инсоний муносабатлар бир четга йиғиштириб қўйилади. Катта лукманинг ўйинлари ҳам катта бўлади. Бобур эса ҳар қандай сиёсат инсоний мезонларга бўйсуниши лозим, деб ўйлайди. ***Агар кўзингиз кўрқса, кўзингизни боғлаб юруб, рўбарў бўлалинг"***, дейди у.

**"Бобурнома"** ким учун ёзилган? Ахир, жаҳон адабиётининг ушбу дурдонаси ёзилаётган пайтлари оммавий китобхон тўғрисида гап бўлиши мумкин эмасди. Қолаверса, муаллиф оқ қоғозга кўнглини тўкади, борини тўкади. XX аср адоғида яшаётган биз китобхонлар биламизки, адиб иложининг борича китобхонни алдайди, содда ўқувчини лақиллатади. Китобхон қанчалик кўп ва хўп алданса, адиб шунчалик истеъдодли ҳисобланади. Ўқувчи алданаётганини билиб туради, адиб алдаётганини билиб туради. Лекин, икки томон ҳам бир биридан мамнун бўлади. Яъни,

**Дўстим Хайриддинга бағишладим.**

ва аламнинг хуморидан чиқиш учун отга қамчи босади.

Намозгор маҳали Илон Ўтида тўхталади. Битта от сўйилади ва кабоб қилинади. Отлар совутилади, дам берилади. Сўнг яна йўлга чиқадилар. Тонгдан бурун Халилия кентига, ундан Жиззахга келадилар. Тоҳир дўлдой



ҳоким эди. ***"Семиз этлар ва майда этмаклар арзон, чучук қовунлар ва яхши узумлар фаровон"***. Айни пишиқчиликнинг устидан чиқадилар. Уч-тўрт кун Жиззахда истироҳат қилингач, Ўратепа сари йўл оладилар. Ўратепанинг Даҳкат деган ерида қишламоқчи бўладилар. Бобур йўлдоши Муҳаммад Ҳусайн мирзо билан сўзлашади. У қарорни маъқуллайди. Сўнг, Бобур хон додасини йўқлаб, Тошкентга боради. ***"Умидвор эдимким, хон додам риоят ва иноят мақомида бўлуб, вилоят ва паргана берғайдилар. Ўратепани ваъда қилдилар. Муҳаммад Ҳусайн мирзо бермади. Билмон, ўзлукидин бермадими ё юқоридин ишорат бўлдиму?"***

Ҳойнаҳой, юқоридан ишорат бўлган, шекилли. **"Ишорат"** -- сиёсатнинг муҳим воситаси эканини Бобур ўн саккиз яшар пайтида ҳам билмасди, хотираларини қоғозга тушираётган жаҳонгир ёшига етгандан кейин ҳам билмайди. Чунки, Бобур сиёсат гирдобига тушиб, оқимга қараб юзиб юрадиган чакана амалдор эмасди. Балки, у чинакам давлат арбоби эди. У сиёсат туфайли минг мақомга йўрғалаб ўйнамасди: Сўз ва Амал бир хил бўлиши керак, деб ўйларди. Доимо лафзига вафо қиларди. Бобур учун Сўз -- отилган ўқ, уни қайтариб бўлмайди. Ўқ қайтмайди, фақат сопқон қайтади. Лафзидан қайтган одамнинг бошига сопқон келиб тушади.

Даҳкат -- Ўратепанинг кўҳна кентларидан, улуғ тоғнинг тубида жойлашган бўлиб, тоғдан ўтилса Мақчоқ бошланарди. Бобур бир "калонтар"нинг уйига тушади: қари киши эди, тахминан, олтмиш-етмиш яшар чол эди. Ҳамон онаси бор эди. Хийла умр кўрган хотин эди, юз ўн бир ёшда эди. Темурбек Ҳиндистонга юриш қилганда бу хотиннинг битта қариндоши ҳам черик сафида бўлади, Ўша воқеа хотирасида бор бўлиб, ҳикоят қилар эди. Бу кампирнинг тўқсон олтита невара-чевараси бор эди.

Бобур тоғларни яёв кезиб сайр этади. ***"Аксар яланг оёқ юрур эдим. Яланг оёқ кўп юргандин оёқларим андоқ бўлуб эдиким, тов ва тош таъсир қилмас эди"***.

Сипоҳилар эса сарсон-саргардонликка дош беролмайди: баъзилари Андижонга қайтмоққа рухсат сўрайди. Қосимбек муболаға қилади: ***"Жаҳонгир мирзоға махсусона ўз кийганингизни йиборинг"***, дейди. Бобур бўркини юборади. ***"Танбалға ҳам бир нима йиборсангиз не бўлғай?"*** дейди Қосимбек. Бобур дастлаб рози бўлмайди, лекин йўлдошининг кўнгли учун Самарқандда ясалган бир ясси қилич совға қилади.

Қосимбек саккиз кишидан бири эди. У умидвор киши эди. Бобурдан кўнгил узолмасди, айни замонда Андижондан ҳам кўнгил узмасди. Унинг кўнгли Бобур билан Андижон ўртасида сарсон эди.

Ўчакишгандек, қиш қаттиқ келади. ***"Ўшал икки-уч кунда икки-уч киши бу орада совуқнинг шиддатидан ўлуб эди"***. Сафдош кишилар совуқнинг измига эмас, йўлбошчининг измига бўйсунмоғи лозим. Бунинг учун йўлбошчи совуқдан кучли эканини кўрсатиши керак.

***"Манга гусулға эҳтиёж эди. Бир ариқ сувидаким, ёқалари қалин муз тўнгуб эди. Ўртасиғ сувнинг тезлиги жиҳатидин ях боғламайдур эди. Бу сувға кириб гусул қилдим. Ўн олти қатла сувға чўмдум. Сувнинг совуқлиғи хейли таъсир қилди"***.

Тонгда Хўжанд сойининг музлаган устидан ўтиб, Пискентга борадилар. Шайбоқхон изма-из ҳамла қилиб келаверади. Пискент у пайтлари Абдулманнон исмли киши қўлида эди. Унинг ***"Мўъмин отлиқ бир ярамас ва паришон ўғли мен Самарқандда эканда менинг қошимға келиб эди, филжумла риоят қилиб эрдим. Билмон, Нўён кўкалтош Самарқандда анинг бирла қандай ёмон маош қилур, бу кин сақлаб экандур. Ўзбек чопғунчисиниг ёнилғон хабари келгач, хон қошиға кетти"***. Тонгда шум хабар келади: Нўён кўкалтош мастликда жардан йиқилиб ўлибдир. Нўённи Пискентда тупроққа топширадилар. Улар макон тутган жойдан бир ўқ отими масофадаги баланд жарнинг остидан Нўённинг жасадини топадилар. Баъзилар гумон қилдиларки, Самарқанддан кин сақлаб қайтган Мўъмин қасдлашиб Нўённинг умрига зомин бўлгандир? Аммо, нима бўлганини киши билмайди.

**(Давоми бор)**

Набижон БОҚИЙ

# САККИЗ КИШИ

**Эссе**

қарс икки қўлдан чиқади. Хўш, Бобур нега алдамайди? Чунки, у эсдаликларини ўзи учун ёзади. Оммавий китобхонни ўйламайди.

***"Яхши ёзиш керак. Яхши ёзишнинг бирдан бир йўли бор -- у ҳам бўлса, ўзинг учун ёзишинг керак"***, деган эди **Эрнест Хемингуэй.**

Агар Бобур XX асрнинг ўрталарида яшаганда борми, шубҳасизки, у ҳам халқаро Нобель мукофотига сазовор бўларди. "Нобуд бўлган авлод" Бобурга тақлид қиларди, ундан ўрнак оларди.

Тўққиз юзу еттинчи ҳижрий санада ҳам Бобурга ҳеч тарафдан кўмак ва мадад келмайди. Умидсизлик бошланади. Сипоҳи ва халқ қўрғонни ташлаб қочади. ***"Агар кўзингиз кўрқса, кўзингизни боғлаб юруб, рўбарў бўлалинг"***, дейди Бобур ўзига ўзи. Сипоҳи Бобурнинг кўнглидаги гапларни билмайди. Халқ эшитмайди. Негаки, одам кўнглидан кечган гапни фақат ўзи эшитади, холос. Агар Бобур Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг томига чиқиб, дунёга жар солган тақдирда ҳам унинг оташин чақириғини ўзидан бошқа одам эшитмасди. Билъакс, парокандалик баттар авж оларди. Авомнинг феъли маълум: Андижон подшоси аюҳаннос соляптими, демак, бир гап борга ўхшайди! Демак, қочиш керак! Демак, нажот йўқ! Подшоҳки нажот сўраяптими, билингки, ҳеч жонибдан нажот келмайди!

Бобур кўнгулга мурожаат этади. Нажот фақат ўзидан эканини билади. Ўзгага мурожаат этмайди, ўзгадан юз ўгиради. Ўзгалар ҳам ундан юз ўгиради. Ўша пайтлари **Мансур Халложни** эслаганмикан? **"Аналҳақ!"** деб қичқирган зотни эслаганмикан? Эслаган бўлиши керак. Бобур ҳам Мансур Халлож каби оломон орасида ёлғиз қолади. **"Ёлғизнинг ёри Оллоҳ"**, деб пичирлайди. **"Оллоҳдан ўзга умидим йўқ"**, деб пичирлайди.

Умидворлик қолмайди. Озуқа ва заҳира кам эди. Бўлгани ҳам тугайди. Бирор тарафдан озуқа ёки заҳира келмайди. Қўрғон элининг ожизлиги ёғийга маълум бўлади. Шайбоқхон Ғори Ошиқон навоҳисига келади. Бобур эса Шайбоқхонга рўпара бўлган бир кишининг уйига боради. Илгари Жаҳонгир мирзонинг /Бобурнинг акасининг/ ёғийлигига сабабчи бўлмиш Узун Ҳасан ўн-ўн беш навкари билан қўрғонга киради. ***"Бу кириши хейли мардона кириш эди"***, деб қайд этади Бобур. Мўътабар кишилар қўрғонни ташлаб қочаётган бир пайтда эски ғанимнинг мададкор бўлиши таҳсинга лойиқ ҳодиса эди. Лекин, Бобур тарафдорлари маъюс бўладилар. Маъюс ҳолатда ёғийга юзма-юз келадилар. Жанг арафасида душман бир-бирининг кўзига тик қарайди. Куч -- Шайбоқхон тарафида эди. Адолат -- Бобурга йўлдош эди. Шайбоқхон душманига тан беради.

***"Бу маҳалда Шайбоқхон сулҳ сўзини орага солди. Агар бир тарафдин умидворлиғ бўлса ё заҳира бўлса, сулҳ сўзига ким қулоқ солур эди?! Зарурат бўлди, сулҳғина қилиб, кечадин икки нақр бўла ёвушуб эдиким, Шайхзода дарвозасидин чиқилди. Волидам хонимни олиб чиқтим. Яна икки хотун киши чиқти: бири Бечка халифа эди, яна бири Минглик кўкалтош эди. Менинг эгачим Хонзода бегим ушбу чиққонда Шайбоқхоннинг илигига тушти"***.

Хонзода бегим Шайбоқхон ҳарамига олинади. Орадан бир қанча йил ўтгач, укаси билан Ҳиндистон тарафларда учрашади.

Йўлда кетаётиб Қамбарали Қосимбек билан от пойга қиладилар. Бобур хийла илгарилаб кетгач, ортига қайрилиб қарайди: айил бўшаб қолган экан, эгар эврилиб, чавандоз боши билан ерга йиқилади. Сапчиб ўрнидан туради, лекин оқшомгача ҳуши жойига келмайди. ***"Бу оламда ўтган вақое туш ва хаёлдек кўзумга ва кўнглумга кўринар ва кечар эди"***, дейди Бобур.

Қамбарали Қосимбек -- саккиз кишининг биттаси эди. У Бобур билан пойга ўйнайдиган даражада яқин, сирдош бўлади.

Пойганинг сабаби маълум: эгачиси Хонзода бегим ёғий қўлида қолди, алам қилади

# АРМОН

1933 йилнинг 3 март куни. Эрта тонг. Ҳали қуёш бош кўтариб ўзининг заррин нурларини борлиқ узра сочиб улгурмаган. Атрофни баҳорий шудринг қоплаган. Богда қушларнинг чуғур-чуғур сайраши, пахса девор устида қанотларини қоқиб қичқираётган хўроз товуши тонгдан дарак берар эди. Пўлатхўжа ана шу хўроз қичқириғидан уйғониб, боғ этагидаги сойга тушди. Юз-қўлини ювди. Дорда осиғлиқ турган оппоқ сочиққа артинди. Шу топда кўча эшигини кимдир қаттиқ тақиллатгандек бўлди. Пўлатхўжа шахдам қадам билан бориб эшикни очди. Эшик орқасида эса икки қуролланган киши турарди. Улардан бири:

-- Пўлатхўжа Сиддиқхўжаев сен бўласанми? -- деди йўғон овозда.

-- Ҳа, мен...

-- Сен қамоққа олиндинг.

-- Нима учун?

-- Маҳкамага борганингда биласан.

Пўлатхўжанинг қўлига кишан солишиб, олиб кетишди. Дераза ойнасидан нима бўлаётганлигига ақли етмаётган 6 ёшли жажжигина қизалоғи Мунисахон мўлтиллаб отаси ортидан бўтадек бўзлаб қолди...

1922 йили Пўлатхўжанинг отаси Сиддиқхўжа ака Кавардон қишлоғида фожеали ўлдирилади. Уч қиз ва икки ўғил отасидан бевақт ажралишиб, онаси Сарвинисо ая тарбиясида қолишади.

Уша кезларда Пўлатхўжа Сиддиқхўжаев энг кўзга кўринган ишчи-деҳқон мухбирларидан бири эди. Унинг ҳабар ва мақолалари "Қизил Ўзбекистон", "Батрак", "Камбағал деҳқон" газеталари, "Муштум" журнали саҳифаларида тез-тез чоп этилиб турарди. Ҳатто Пўлатхўжа Сиддиқхўжаев 1926 йили Москвада бўлган ишчи-деҳқон мухбирларининг III съездига Ўзбекистондан делегат бўлиб боради. Пўлатхўжа ака Москвадан қайтгач, ҳамқишлоқ дўстлари -- Мирсултон, Каримхўжа акалар билан Кавардонда артель тузишиб, коллективлаштиришда фаол иштирок этади. 30-йилларнинг бошига келиб унинг ташаббуси билан Кавардон қишлоғида "Меҳнат-бирлик" (ҳозирги "Дўстлик") колхози тузилади. Хўжаликнинг биринчи раиси ҳам унинг ўзи бўлади.

Синглиси Умринисо аянинг айтишича, акаси Йўлдош Охунбобоев, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом ва Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбеклар билан қалин дўст бўлган эканлар. Улар тез-тез Кавардонга келишиб Пўлатхўжа ака хонадонида меҳмон бўлишаркан.

Бир куни Пўлатхўжа акабетоб бўлиб, бир неча кун ётганда онаси Сарвинисо ая номидан Ғафур Ғуломга ҳазил тариқасида қуйидаги шеърни ёзган экан:

**Ёру дўст келди, ҳамон Ғафур уканг бир келмади,**
**Дард чекиб бўлдинг ёмон, Ғафур уканг бир келмади.**
**Сен деган эрдинг укам Аҳрор ила бўлди икков,**
**Бўлмади сен ўйлаган, Ғафур уканг бир келмади.**
**Келмаса ҳам бўлсин омон дўстларингнинг барчаси,**
**Энг қадрли жонажон Ғафур уканг бир келмади.**

Ғафур Ғулом бўлса шеърни олган куниёқ "Ойи, қиш ҳавоси ёмонда" -- дея Сарвинисо ая олдига кулиб кириб келган экан.

1932 йили Пўлатхўжа ака Кавардон қишлоғида чорвачиликни ривожлантириш мақсадида Россиядан бир ярим минг бош қўй олиб келади. Лекин орадан бир неча ой ўтгач, ана шу олиб келган қўйлар юқумли касалликка чалиниб, бирин-кетин нобуд бўла бошлайди. Шунда Пўлатхўжа ака қўйлар бекорга ҳаром ўлмасин, дея уларни оч-наҳор кун кечираётган деҳқонларга тарқатади. Лекин, бош ҳисобчи Ғилмиддин тарқатилган қўйларнинг рўйхатини раиснинг хонасидан ўғирлаб чиқиб, ёқиб ташлайди. Раисни кўролмайдиганлар билан тил бириктириб, жамоа хўжалигининг бир ярим минг бош қўйини суистеъмол қилиб юборди, деб юқори ташкилотга шикоят хати ёзади. Текширишлар пайтида дўқ-пўписалардан қўрққан одамлар биз қўй олмаганмиз, дейишади.

1933 йилнинг март ойида тонг саҳарга яқин Пўлатхўжа акани олиб кетишади. Орадан бир ой вақт ўтгандан сўнг 1 апрель куни бўлиб ўтган суд мажлисида Пўлатхўжа Сиддиқхўжаев жамоа хўжалиги мулкини талон тарож қилишда айбланиб, энг олий жазога -- отишга ҳукм қилинди. Уни Тошкент шаҳридаги "Московский" деган қамоқхонанинг бир кишилик ўлим камерасига қамайдилар.

Пўлатхўжа ака иғвогарларнинг туҳматлари туфайли ноҳақ қамалганлигидан норози эди. Шу боисдан ўлим камерасида ётганда ҳам ҳақиқат учун курашади. У ҳақиқат букилса-да, аммо ҳеч қачон синмаслигига ишонарди. Шунинг учун ҳам у энг яқин дўсти, Ўзбекистон Халқ комиссарлари Советининг раиси Акмал Икромовга шеърий мактуб йўллаб, ёрдам сўрайди. Шеър шундай ёзилганди:

**Ариза ёздим авф сўраб,**
**Мен ғариб, Акмал оға.**
**Рад қилмайин арзани,**
**Ўқинг, олинг, Акмал оға.**
**Қайғу босиб йиғларам,**
**Ғамда қолиб, Акмал оға.**

Пўлатхўжа ака ўлим камерасида 8 ой ётгач, Москвада ишчи-деҳқон мухбирлари съездида танишган дўстлари орқали онаси Сарвинисо ая номидан СССР Олий Советига хат ёзиб, ўғли гуноҳсиз эканлиги, қуруқ туҳмат туфайли қамалганлигини айтади. Орадан бир неча ой вақт ўтгандан сўнг Пўлатхўжа Сиддиқхўжаевнинг иши қайта кўриб чиқилади, ҳеч қандай айби бўлмаса озод қилинади, деган жавоб хати келади.

1934 йили август ойида унинг иши қайта кўриб чиқилганда ҳеч қандай айби йўқлиги исботланади. Аммо ўз обрўсини йўқотишдан қўрққан Олий суд Пўлатхўжа Сиддиқхўжаевни 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилади.

Акаси қамалганда синглиси Умринисо ая опаси Малика опа билан Тошкентдаги Обидова номли Совет қурилиши ва ҳуқуқи институтининг ишчи факультетида ўқирди. Ўшанда Умринисо ая факультетнинг комсомол котиби эди. Кунлардан бир куни институтда ўтказилаётган комсомол йиғилишида курсдошларидан Адаш Тошев деган йигит сўзга чиқиб, "Бизнинг орамизда қўй терисига ўралганлар ҳам бор" дейди. Залда ўтирганлар эса очиқроқ гапиринг, улар кимлар, дея шовқин солишади. Шунда у "халқ душмани бўлган одамларнинг сингиллари Умринисо ва Малика Сиддиқхўжаевалар биз билан ўқимоқдалар, уларга бизнинг орамизда ўрин бўлмаслиги керак", дейди. Шунда Умринисо сўзга чиқиб: "Мен акамнинг қарамоғида эмасман, тракторчи умр йўлдошим Рашидхўжа Фозихўжаев қарамоғидаман", дейди. Паркентлик Наримон Тўлаганов (бу киши бир неча йил нотариал идорани бошқариб келганлар) институт комсомол комитетининг секретари сифатида сўзга чиқиб "Ака учун сингиллар жавоб бермайди, улар институтимизнинг фахри, фаол талабаларимиздан", дея уларни ҳимоя қилади.

Лекин "халқ душманининг синглиси" деган тамға унга сира тинчлик бермасди, ҳар қадамда таъқиб қилаверарди. Охири Малика институтни ташлаб, қишлоққа қайтишга мажбур бўлади.

Ана шундай изтиробли дамларда онаси Сарвинисо аяга "Мана кўрасиз акамнинг гуноҳи йўқ, у албатта келади" дея далда берарди. Афсуски, жудолик аламига чидолмай, ўғлини кута-кута Сарвинисо ая бу дунёдан кўз юмадилар.

Синглиси Умринисо эса ишга жойлаша олмай, сарсон-саргардон бўлади. Чунки у қаерга ишга кирмоқчи бўлса, "халқ душманининг синглисини" олишга қўрқишарди.

Пўлатхўжа ака қамоққа олингач, унинг умр йўлдоши Файзинисо опага ва қизи Мунисахонга ҳам кун беришмади. Улар яшаб турган уйда обдон тинтув ўтказишиб, Пўлатхўжа ака ёзиб қолдирган шеър ва ғазалларни топиб олиб, ёқиб ташлашди.

1940 йилларга келиб "Қамалган ота учун бола, бола учун ота жавобгар эмас" деган қарор чиқадию, бир оз уларнинг ҳаётида ҳам "ўзгариш" пайдо бўлади.

Мен яқинда қатағон йилларининг ноҳақ қурбони Пўлатхўжа Сиддиқхўжаевнинг қизи Мунисахон ая Пўлатхўжаева хонадонида бўлдим, у билан узоқ суҳбатлашдим. Онахон шу вақтгача отасининг қабри қаерда эканлигини билмаслигини айтди.

Ўша куни Мунисахон ая менга муқоваси титилиб кетган "Гулистон" журналининг 1971 йилги 5-сонида таниқли журналист ва олим Тоҳир Пидаевнинг "Улар биринчилардан эди" сарлавҳали мақоласини кўрсатди. Мақолада қуйидаги сўзлар битилган: "Суратда Ўзбекистон ишчи-деҳқон мухбирлари делегациясининг аъзоларини кўриб турибсиз... (А.Ёқубов Москвага делегация раҳбари, "Қизил Ўзбекистон" газетаси вакили бўлиб борган), ёнида Юқори Чирчиқ туманидаги Кавардон қишлоғидан деҳқон-мухбир Пўлатхўжа Сиддиқхўжаев ҳам бўлган. Афсуски, суратнинг Пўлатхўжа Сиддиқхўжаев тасвирланган қисми йиртилиб кетган. П.Сиддиқхўжаев энг фаол ишчи-деҳқон мухбирлардан бири эди".

Сочлари оқариб, юзларига ажин тушган, кўзларига кўзойнак тақкан Мунисахон ая титроқ қўллари билан дутор торларини чертади, отасининг қамоқхонада ёзган шеърларини куйлайди:

**Гул юбординг сен менга гулдек юзимиз сўлмасин,**
**Гулинг ғунчаси каби кўнгилга қонлар тўлмасин.**
**Гул каби рухсорларингни тез кунда мен кўрайин,**
**Мақсадимизга етайлик, бошқа қайғу келмасин.**

**Оққа чиқсин дея оғам оқ пахталарни юбориб,**
**Дастлаб гуллар теришда, қўл, кўзинг дард кўрмасин.**
**Гулни олиб ҳидладилар ёндаги ўртоқларим,**
**Ҳеч кишининг биз каби кўзлари термулмасин!**

Мана, эллик йилдирки, Мунисахон ая дутор чертиб "халқ душмани" тамғаси билан қамоққа олинган отасини йўқлайди. Лекин отасидан ҳамон дарак йўқ. Армон эса аянинг юрагига тошдек ботиб қолган.

Ҳа, Пўлатхўжа ака ўша кетганча қишлоққа бошқа қайтиб келмади. Унинг тирик, тирик эмаслиги ҳам номаълум. Қишлоқдаги қабристонда дўппайиб турган қабрлар жуда кўп. Аммо улар орасида ҳамқишлоғимиз, қатағон қурбони Пўлатхўжа Сиддиқхўжаевнинг қабри кўринмайди. Балки у ҳам қайдадир бегона юртларда тупроқ остида бесадо ётгандир.

**Латифжон МАНСУРОВ,**
**Кавардон қишлоғи**

## Диққат: Танлов!

Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод меъморий боғини барпо этиш лойиҳаси учун очиқ танлов эълон қилади.

Мазкур боғ Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов шоҳкўчаси, 40-бинога туташ ҳиёбонда бунёд этилади.

Танлов икки босқичда ўтказилади.

Лойиҳалар 1998 йил 10 февралга қадар /1-босқич/ танлов ҳайъатига тақдим этилиши шарт.

Энг яхши деб топилган лойиҳалар 1998 йил 25 февраль куни /П-босқич/ танлов ҳайъатида муҳокама қилинади ва ғолиблар аниқланади.

Ғолиблар учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилади:

1 та биринчи мукофот - 200000 сўм
2 та иккинчи мукофот - 150000 сўмдан
2 та учинчи мукофот - 100000 сўмдан

Биринчи ўринни эгаллаган лойиҳа муаллифи /муаллифлар гуруҳи/ Камолиддин Беҳзод меъморий боғини барпо этишда лойиҳачи ҳуқуқини қўлга киритади.

**Манзил: Тошкент шаҳри,**
**Шароф Рашидов шоҳкўчаси, 40-уй**
**Телефонлар: 56-53-46, 56-56-17, 56-50-47**

## Қатағон қурбонлари

# ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

**ЛАТВИЯ**. Маълумотларга қараганда, Болтиқбўйи давлатлари ичида Латвия миллий валютасининг қиймати АҚШ долларига нисбатан бир қадар мустаҳкам турибди. Ўтган йили Латвия миллий пули - лат бор-йўғи 7 фоизга қадрсизланган, холос. Бу кўрсаткич Литвада 8,6 фоиз, Эстонияда эса 12,5 фоизни ташкил этган. Мутахассисларнинг фикрича, Латвия миллий банкининг муваффақиятли фаолияти ҳамда мамлакатда пул-кредит сиёсатининг тўғри олиб борилгани инфляцияни жиловлашга имконият яратган.

Мамлакатда ўтган йили нарх-навонинг ошиши коммунал хўжалик, электр энергияси, газ, почта ва телефон хизматларида кўпроқ кузатилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари эса атиги 2,3 фоиз, кийим-кечак ва пойабзал 12 фоизга ошган.

**МОЛДОВА**. Молдова қишлоқ хўжалиги вазирлиги 1997 йилда қишлоқ хўжалигида узум ҳосили яхши бўлмагани учун жорий йили мамлакатда винонинг нархи 25-30 фоизга ошиши мумкинлигини маълум қилди.

Маълумки, иқтисодий қийинчиликлар туфайли кейинги даврда Молдовада вино ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг сони сезиларли даражада камайди. Ўтган йили мамлакатдаги виночилик заводлари бор-йўғи 180 минг тонна узум сотиб олган. Ваҳоланки, бундан беш-олти йил аввал мамлакатда миллион тоннадан ортиқ узум етиштирилар эди.


**ЯПОНИЯ**. Япония ҳукумати мамлакатда ишбилармонликни янада ривожлантириш мақсадида солиқ тизимини ислоҳ қилиш режасини тасдиқлади. Ушбу ҳужжатда 1998 йилнинг 1 апрелидан бошлаб компанияларнинг амалдаги 37,5 фоизлик даромад солиғини 34,5 фоизгача туширишқўзда тутилган.

Мазкур ислоҳот натижасида акция ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар савдосига давлат томонидан солинадиган солиқлар ҳам камайтирилади. Бу тадбирлар яқинда оғир дамларни бошидан кечирган япон биржалари фаолиятини қайтадан жонлантириши мумкин.

**ХИТОЙ**. Хитойда хорижий сармоядорлар иштирокида қурилган корхоналар мамлакатнинг 17 миллион нафар фуқаросини иш билан таъминлашга имконият яратди, дейилади ХХР ташқи савдо ва иқтисодий алоқалар вазирлиги берган баёнотда.

Маълумотларга қараганда, 1980 йилдан бошлаб ҳозирга қадар мамлакатда хорижий сармоядорлар иштирокида 300 мингдан ортиқ корхона очилган. Шуларнинг 145 мингтаси айни вақтда муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда.

ЎзА



**Безовчи рассом Альберт Аҳмедшин азалдан қадимий шарқ миллий санъатига қизиқиб, изланиб келади. Бежирим ва бетакрор нақшлар, ўйма гулли безаклар рассомнинг ижод манбанга айланган.**

**Суратда: бадиий безак устаси Альберт Аҳмедшин.**

**Сураткаш А. ГЕРАСИМОВ**

# СИЗ УНИ ТАНИЙСИЗ




***Телеэкранда ўз тенгдошини кўрганда баъзи ёшларнинг юраги орзиқиб, унинг ўрнида ўзи бўлишини хоҳлаши табиий. Экран орқали тенгдошларига бағишланган кўрсатувларда ижрочи бўлиб қатнашаётган ёшларга ҳавас қилса арзийди. Лекин айнан ана шу ҳавас уларнинг ҳали болаликнинг беғубор осмонида ташвишсиз юрган митти юракларига масъулият юклайди. Чунки бу ёшлар экран қаршисида ўтирганларга ўрнак бўлишлари лозим.***

***Бизнинг қаҳрамонимиз Шаҳноза Усмонова ҳам икки йил аввал илк марта ана шу масъулиятни зиммасига олиб, экран орқали кўринишга муяссар бўлганди.***

-- Ўшанда жуда ҳаяжонлангандим,- дейди Шаҳноза,- яна аллақандай қувонч, ғурур ҳам бормиди-ей. Мен «Умид учқунлари» кўрсатуви муҳаррири Барно опа Файзуллаевадан кўп нарсани ўргандим. У киши маслаҳатларини, йўл-йўриқларини аямадилар.

Шаҳноза шундан сўнг муттасил икки йил давомида ''Умид учқунлари'' ва ''Нурли келажак'' кўрсатувларини олиб борди.

У телевидениега тўсатдан келиб қолгани йўқ. Амакиси Баҳодир Абдуллаев кўп йиллардан буён шу ерда



ишларди. Демакки, оилада телевидение, унинг кўрсатувлари, ходимлари ҳақида тез-тез гап сўзлар бўлиб турарди. Бундай суҳбатлар эса зийрак Шаҳнозани ниҳоятда қизиқтирарди. Ана шу қизиқиш орзуга айланиб, унда телевидениеда ишлаш иштиёқи кучайди. Бу иштиёқнинг рўёбга чиқишида амакиси катта ёрдам берди. Ўзининг ўткир зеҳни, бурролиги, сезгирлиги, хаёлотининг кучлилиги билан Шаҳноза экрандан мустаҳкам ўрин олишга эришди.

Бугунги кунда эса ўрта мактабни тугатган Ш. Усмонова муаллиф сифатида ''Нафосат'' ва ''Тақвим'' кўрсатувларини олиб бормоқда.

-- Телевидениедаги ҳар бир ижодкор менинг устозим,- дейди у. -- Улардан нимадир ўрганишга ҳаракат қиламан.

Албатта, Шаҳноза Усмонова ҳали ижод йўлининг бошланишида турибди. Шунинг учун ҳам унинг ишлари ҳақида аниқ-тугал бир фикр айтиш қийин. Лекин муҳими-Шаҳнозада ўзининг қилаётган ишига муҳаббат, астойдил қизиқиш, ўрганиш, интилиш, қандайдир янгилик яратиш истаги бор.

**Г. ФАЙЗИЕВА**

*Ажиб дунё*

## ИЛОНЛАРНИ СЕВУВЧИ ҚИЗ

Ҳеч қайси ҳайвон инсонда илон каби нафрат уйғотмаса керак. Албатта, биз ''Илонлар дўсти'' 12 ёшли покистонлик қизни назарда тутмаган ҳолда гапиряпмиз. У уйида 30 та заҳарли илонни парваришлайди. Ухлашидан олдин ўзини чақтирмаса ётолмайди. Қариндошлари бу қизалоқ билан гаплашмайди, йигитлар эса... Узининг айтишича у фақат илонларни, илонлар эса уни севишади.

## ЭНГ УЗУНИ...

1912 йилда Сулавеси оролида 12 метрли илон ўлдирилганда ҳамма шов-шувга тушган эди. 1960 йилда эса бразилияликлар узунлиги 8,45 метр, йўғонлиги 111 сантиметр бўлган илонни тутишди. Бу илон заҳарли эмас эди, лекин у билан учрашиш инсон ҳаёти учун хавфли бўлган.

## ИЛОН ЮТИБ... СОҒ ҚОЛДИ

Испанияда шундай воқеа содир бўлди. 9 ёшли Чандрика исмли қизчага жаҳлини чиқаргани учун илон ташланди ва юта бошлади. Емишини секин ютиш илонга бу сафар панд берди. Чандриканинг ота-онаси етиб келиб, илон оғзидан қизнинг ярим танасини тортиб олишди. Анча ўтгандан кейин қизалоқ зўрға ўзига келтирилди.

**Гулнора ҲАКИМОВА,**
**ТошДД талабаси**

**''Тошшаҳарюктранс'' Концернига қарашли очиқ турдаги 127-Ҳиссадорлик автокорхонасининг 1997 йил учун йиллик якунловчи ҳисоботи ўтказилади.**

**127-Ҳиссадорлик автотранспорт жамоасининг 1997 йиллик якунлари бўйича умумжамоа йиғилишини 1998 йил 13 феврал соат 16.30 да ўтказади.**

**Манзилимиз: 700034, Тошкент шаҳри, Қора Сарой кўчаси, 325-уй.**

# БИРОВНИНГ ҲАҚИ

Шошилиб кетаётгандим. Йўл четидаги бекат ўриндиғида ўтирган аёл диққатимни тортди. Унинг кўзларида бир илинж бор эди. Қадамларим ўз-ўзидан секинлашди. Аёл ёнидаги саватнамо идишга ишора қилиб:

-- Қаймоқ олиб кетинг, синглим, -- деди. Яқин орада қаймоқ харид қилиш ниятим йўқ эди, лекин аёлнинг нигоҳларидаги умидворликни босиб ўтгим келмади. Яқинлашдим, аёл изоҳ бера бошлади:

-- Ануви дўмлардан бирида доимий мижозим бор. Ўшанга ташлаб кетардим. Бугун келсам, уйида йўқ. Яна қайтариб олиб кетмай... тирикчилик... Сизга арзон бераман...

Бу гаплар асосида мен чўнтагимни ҳисоб-китоб қилардим. Ортиқча харидга жудаям имкониятли эмасдим.

-- Бир ой илгари ҳам худди шундай бўлганди, -- деб давом этди аёл. -- Мана шу ерда биттаси қаймоғимдан олган экан. Ҳозиргина ўтиб бораётиб, мени таниб қолди. Яна икки банкасини олиб кетди...

-- Ўзингизнинг сигирингиз борми? -- деб сўрадим мен.

-- Ўзимда, овсинимда сигир бор. Қаймоқ ўзимизники, ҳафтада икки марта шаҳарга келиб, мижозимга ташлаб кетаман. Асли нархи 350 сўм, майли, сизга 300 сўмга бераман.

-- Шунча гап-сўздан кейин, индамай кетиш ҳам ноқулай. Қолаверса, бир одам сендан шунчалар умидвор бўлиб турса-ю...

Қопқоқни олиб, қаймоқни қарадим. Озода, янгилиги кўриниб турибди. Нотанишлардан сотиб олинган қаймоқ, сариёғлардан алданиб қолганларнинг гаплари ''лоп'' этиб ёдимга тушди.

-- Оқ нарсани алдамассиз... -- дедим ўзимнинг гапимдан ҳижолат тортиб.

-- Вой, нима деяпсиз... - аёл астойдил ранжигандек бўлди.

Чўнтагимни қоқлаб аёлга бердим-да, қаймоқ солинган банкани олиб уйга кетдим. Нонушта пайти... оиламиздагиларни қаймоқ билан сийлаш ниятида хушкайфият билан мундоқ қошиқ солсам... эҳ, алдовлардан ҳеч пишмаган банда... усти ярим энлик келар-келмас қаймоқ, қолгани эса қатиқнинг ўзгинаси. Эрталабдан кайфиятим бузилди, қаймоқ билан нонушта қилишга иштиёқманд ўтирганларнинг ҳам...

Воқеа шу билан тугаса, балки бунчалик таъсир қилмасмиди?.. Ишхонага бориб бўлган воқеани айтиб улгурмасимдан:

-- Амур Темур хиёбонида шундай бўлдими? -- деб сўради касбдошим, тасдиғимдан кейин яна саволларини қаторлаштирди, -- элликлардан ошган аёлми? Кўриниши соддагина...

-- Ҳа, -- дедим. Доимий мижозим бор эди, бугун уйида йўқ экан, қайтариб олиб кетишни хоҳламаяпман,.. деди...

Мен гапирмаяпман-у, касбдошим ''Ҳа, ҳа, менгаям худди шундай деганди. Мен ҳам ишониб, уч юз сўмга бир банка қатиқ кўтариб борибман'',- деди алам билан.

... Шу воқеадан кўп ўтмай, кечки пайт ишдан қайтаётиб нон олиш учун Юнусободнинг Универсам бозори томон юрдим. Вақт шомдан ўтган, бу пайтда бозор йўлаги ҳам турли майда-чуйдалар билан савдо қилувчиларга тўлиб кетади. Бир жойда уч-тўрт одам ғуж бўлиб, ''Энди менга тортинг'', ''Менга уч кило'', -- дейишарди. Тарки одат амри маҳол деганларидек, қизиқиб уларга яқинлашдим, чунки чироқларнинг ола-чалпоқ нурида нима сотилаётганини кўриб бўлмасди. Ёнғоқ экан.

-- Юз йигирма сўмдан беринг, -- деди харидорлардан бири.

-- Бундай арзон ёнғоқ борми? - деб унинг гапини бўлди сотувчи.

-- Бозорга боринг, икки юзгаям ололмайсиз. Кечга қолдим, болаларга майда-чуйда олиб узоққа кетишим керак, шунинг учун сотишга мажбур бўлаяпман...

Ёнғоқ юз ўттиз сўмдан экан. Ҳақиқатан ҳам арзон.

-- Еб кўрдингми? Мазаси яхшими? -- деб сўрадим.

-- Яхши, тахири йўқ, - деб ҳаммадан олдин жавоб берди сотувчи.

Мен ҳам икки килогина олиб, уйга ўзимда йўқ хурсанд бўлиб келиб қарайманки... аксарият усти қорамтир ёнғоқлар. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ҳар тўрт-бештадан биттаси пуч...

Мана, орадан кунлар ўтгач, у антиқа харидларимнинг аламини ҳам унутдим. Майли, ўша нигоҳлари ўтган йўловчига умидворлик билан қараган ''қаймоқ'' қатиқфуруш ҳам, шом қоронғусини мўлжаллаб келиб пуч ёнғоқларини пуллаб кетган аёл ҳам бола-чақа боқиш учун ноилож шундай қилган бўлсалар, Аллоҳ ўзинг кечиргин, дейман-у, бошқа саволлар қийнайверади. Иккала аёл ҳам ўз молларини ўтказиш учун болаларнинг номини ўртага солишди.

*КЎЗГУ*

Кўпчиликни алдаб, ноҳалоллик билан топган пулларига хурсанд бўлиб уйларига қайтишармикан улар? Ўша пулга хотиржам дил билан болаларини едириб; кийинтиришга кўникиб бўлганмиканлар?

Соддаю, ишонувчан одамлардан ёлғончилик билан юлиб қолган пуллардан хурсанд бўлган чоғларида уларнинг алдовидан куйиб қолганларнинг диллари қанчалар оғришини ўйлармикинлар? Дилозорликдан қўрқмасмикинлар? Ахир, Парвардигори олам ўз бандаларининг мўмин мусулмонлик шарти биринчи навбатда бошқаларнинг дилига озор етказмаслик эканлигини марҳамат этган-ку? Ва ниҳоят... юқоридаги каби ўтмас, сифатсиз, нобоп нарсаларни ёлғон мақтовнинг шалдироқ қоғозига ўраб сотаётганларнинг аксарияти ''Бола-чақа деб юрибмиз'', -- дейишади.

Нима дейсиз, ўша -- қатиқни қаймоқ деб пуллаган, пуч ёнғоқни пулга алмаштириб борган... ва ҳоказоларнинг болалари ўз оталари, оналарининг қаллобликларидан, наҳотки бехабар бўлсалар?! Болаларга бу риёкорлик ибрат, охир-оқибатда эса мерос бўлиб қолмаслигига ким кафолат беради?

Жисман, руҳан покланишимизга имконлар берувчи муборак Рамазон арафасида дилни очдик. Бу қутлуғ ойда қиладиган чин тавба-тазарруларимизни қабул этмоққа, поклигу имонга, эътиқодимизни қўллаб-қувватламоққа Аллоҳнинг ваъдаси бор. Илоҳи бу мукаррам фаслда қалбан, жисмонан, руҳан тозармоқни бандаларига насиб айласин. Ва чин дилдан сабру бардош билан ҳаракат қилайликки, рўза кунлари мунаввар айлаган кўнгил оламларимизга минбаъд нопоклик, ноҳалоллик гарди юқмасин.

**Муҳтарама УЛУҒОВА**

*Қаратэ*

# ИШОНЧ

Майдонга бир гуруҳ спортчи болалар кириб келдилар. Эндигина 14-15 ёшни қоралаган болакайлар машқ турларидан шундай чиройли намуналар кўрсатдиларки, томошабинлар завқланиб, қарсак чалиб юборишди. Дўстлари билан байрам сайлига чиққан Баҳодирнинг ҳам каратэчи тенгдошларига ҳаваси келди. Унинг қалбида спортнинг бу турига илк ҳавас ўшанда уйғонди.

Ана шу воқеа сабаб бўлдию, Баҳодир ва унинг дўстлари каратэ ҳақида тез-тез суҳбатлашадиган бўлиб қолдилар. Ниҳоят, ўн нафар бола Андижон Электромеханика техникуми қошидаги ''Аҳмадшо'' клубига йўл олдилар. Мураббий Олимжон Норхўжаев улар орасидан учтасининг танлов асосида қабул қилди. Жумладан, 30-мактаб ўқувчиси Баҳодир Исматуллаев ҳам клубнинг аъзосига айланди.

Ўшанда 1994 йилнинг баҳори эди. Мактабда дарслар тугади дегунча, спорт машғулотига шошади. Уйида ҳам ўзи мустақил машқ қилади. Шу сабаб тез орада у устозининг эътиборини ўзига тортди. Ҳаракатчан, зийрак бу бола билан муаллим алоҳида шуғулланадиган, қўшимча топшириқлар берадиган бўлди.

Ана шу йили 18 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида каратэ бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди. Клуб президенти Баҳодирни спорт оламига яқиндагина кириб келганига қарамай, ишонч билан мусобақага йўлланма берди. Адашмаган экан. У катта майдондаги беллашувларга илк бор тушишидаёқ ғолибликни қўлга киритди. Ғалаба Баҳодирга бундан кейинги мусобақаларда иштирок этиш учун йўл очиш билан бирга, ўз устида янада кўпроқ ишлашга, спортнинг ҳали ўзи учун сир бўлиб турган томонларини ўрганишга ундади.

Орадан бир йил ўтиб, ''Наврўз-95'' халқаро мусобақасида ёш спортчига яна омад қулиб боқиб, ғолиблар сафидан жой олди. 1996-97 йиллардаги бир қатор вилоят мусобақалари, водий ёшлари ўртасидаги ''Олтин водий'' беллашуви ва республика очиқ турнирида биринчи ўрин соҳиби бўлди. Ундаги ғайрат, ишонч ва қобилият 1996 йилнинг октябр ойида катта ёшлилар беллашувига етаклади. Қалбидан ''Ғалаба, фақат ғалаба'' деган садо отилиб чиқарди. Барча рақибларини енгиб, Баҳодир республика чемпионатининг ғолиби бўлди.

-- 1978 йили Андижон шаҳрида туғилганман. Дадам алоқачи. Онам уй бекаси, бир укам, икки синглим бор. Биз ака-ука спортни, сингилларим эса тикувчиликни севишади. Ўқувчилик йилларим кўпроқ ''Аҳмадшо'' клубида ўтди. Мактабда ҳам аъло баҳоларга ўқидим. Бу йил Андижон Давлат университетининг Жисмоний тарбия ва спорт факультетига сиртдан ўқишга кирдим. Ҳозирда ўқиш билан бирга ''Аҳмадшо'' клубида мураббийлик қиляпман.

***-- Ўтган йили халқаро миқёсдаги мусобақаларда ҳам ғолибликни қўлга киритган экансиз...***

-- Туркиянинг Истанбул шаҳрида 28 та давлат спортчилари ўзаро куч синашган Европа мусобақасида учинчи ўринни эгалладим. Макаода ўтказилган Осиё чемпионатида ҳам учинчи ўринни олиб, бронза медалини қўлга киритдим. Бу билан халқаро спорт устаси меъёрини ҳам бажаришга эришдим.

***-- Машҳур спортчиларга ҳавас қиласизми?***

-- Мен фақат японияслик каратэчиларга қойил қоламан. Улар шундай чиройли ўйин кўрсатадики, кўриб ҳайрон қоласиз.

***-- Орзуларингиз?***

-- Аввало ота-онам дуосини олиб, одамларга яхшилик қилиш. Бутунжаҳон ўйинларида ҳам ғолибликни қўлга киритиб, Ўзбекистон байроғини янада баланд кўтариш.

**А. НАЗАРОВ**



*Тоғлар оша, довонлар оша...*

## ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Маълумки, Хитойда «Аккорд» русумли япон автомобилини ишлаб чиқариш бўйича аллақачон амалий ишлар бошлаб юборилган. Хитой билан тузилган шартномага мувофиқ Япониянинг «Хонда» компанияси Хитойда ўз автомобиллари ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш учун 100 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлашга қарор қилди.

Хитойда «Аккорд» русумли илк машина 1999 йили конвеердан чиқиши керак. Режага кўра бу автомобилдан йилига 30 минг дона ишлаб чиқарилади.

***

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Жанубий Корея пойтахти - Сеул шаҳрида 2.249.343 дона автомобил рўйхатга олинган ва бу улкан «автопарк» ҳар куни 254 та янги автомашина ҳисобига бойимоқда.

Агар бунга мамлакатнинг бошқа вилоятларидан пойтахтга юк олиб келадиган ўн минглаб автомобиллар қўшилса, шаҳар кўчалари чорраҳаларида автомобиллар карвони бир соатдан ошиқ яшил чироқни пойлаб туришларига ажабланмаса ҳам бўлади.

**ЎзА**

*КАҲ-ҚАҲ-ҲА...*

Врач шогирдидан сўради:

-- Нимага хомушсиз?

-- Анаву кунги касални ўйлаяпман.

-- Ундан ташвиш тортманг, у бугун тузалиб, касалхонадан чиқди.

-- Шу-да. Мен унинг қандай тузалганининг тагига етолмай гарангман.

***

-- Бугундан бошлаб овқатдан кейин битта папирос чекишингиз мумкин, -- деди шифокор.

Бир ҳафтадан кейин беморни кўрган шифокор ҳайратга тушди.

-- Кўринишингиз анча тузук, семириб қолибсиз.

-- Албатта, чунки мен энди кунига ўн марта овқатланаяпман.

# УЛУҒ ИЖОДАТ ТАДАРРИЖИ

***Муборак Рамазон ойининг биринчи куни - 1997 йилнинг 31 декабрида Республика Вазирлар Маҳкамаси «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида» Қарор қабул қилди. 1998 йил ҳаж зиёратини ташкил этиш масалаларига бағишланган бу махсус Қарор юртдошларимизнинг олис мамлакатга сафарини енгиллаштиришга, муборак ҳаж амалларини адо этишга зарур шароит яратишга қаратилгандир. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Шарофиддин Мирмаҳмудовдан бу йилги ҳаж сафарининг ташкилий томонлари тўғрисида сўзлаб беришни сўрадик.***

- Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳар йили ҳаж мавсумини ўтказишга ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Қарори қабул қилиниши фуқароларнинг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга давлатимиз раҳбариятининг эътибори белгисидир. Бу ғамхўрлик диёримиз мусулмонлари томонидан Ислом арконларининг тўлиқ ва эминэркин бажарилишига замин яратмоқда.

1998 йил ҳаж сафарини ташкил этиш Ўзбекистон мусулмонлари идорасига юклатилган. Қарорнинг иккинчи бандига мувофиқ бизнинг қўмита мазкур масалада Ўзбекистон мусулмонлари идорасига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб, ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Бундан ташқари бу маъсулиятли ва савобли ишга республикамизнинг қатор вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари ҳам жалб қилинган.

Шу кунларда ҳажга бориш истагини билдирган мусулмонлардан аризалар қабул қилиш давом этмоқда. Айтиб ўтиш жоизки, бу йил аризалар чекланмаган миқдорда қабул қилиниб, шундан сўнггина уларни кўриб чиқиш бошланади. Бу борада аввалги йилларда тўпланган тажрибага таянган ҳолда, вилоятларда аризаларни қабул қилиш тартиби ва жойлари ўзгаргани йўқ. Фақат Тошкент шаҳрида мусулмонларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, булгургидан фарқли ўлароқ, бу иш туман жомеъ масжидларида ташкил этилган. Жумладан, Акмал Икромов туманидаги «Абдуллоҳ ибни Масъуд», Собир Раҳимовдаги «Тўхтабойвачча», Шайхонтоҳурдаги «Шайх Зайниддин», Мирзо Улуғбекдаги «Шайх Зиёвуддин», Сирғалидаги «Қуддус Шариф», Ҳамзадаги «Жўрабек», Мироболдаги «Қўйлиқ ота», Чилонзордаги «Носирхон», Яккасаройдаги «Ракат», Бектемирдаги «Алибек», Юнусобод туманидаги Рафиқов кўчасида жойлашган масжидларда аризалар қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари вакилларидан тузилган ҳаж ҳайъати ариза берган фуқароларни 15 январдан 15 февралгача суҳбатдан ўтказади. Сўнг улар пешма-пеш, 18 февралга қадар тиббий кўрикдан ҳам ўтадилар. Бўлажак ҳожилар ҳайъат ва шифокор текширувидан ўтиб, аниқ рўйхати маълум бўлгандан сўнггина улардан сафар пуллари йиғилади ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг тегишли бўлимларига топширилади. Ҳукуматимизнинг қарорига биноан, бу йил мазкур банк мамлакатимиздан ҳажга кетаётган ҳар бир фуқаро учун 1400 АҚШ долларини воситачилик ҳақи олмаган ҳолда алмаштириб беради. Бу иш 18 февраль - 2 март кунлари амалга оширилади.

Ҳаж даврида ўзбекистонликлар Маккаи Мукаррамадаги «Кудай» меҳмонхона мажмуида жойлашадилар. Бу мажмуа барча ҳожиларнинг бир ерда бўлиши ҳамда Масжидул Ҳарамдан атиги бир ярим километр масофада эканлиги билан қулай. Бу икки манзил ўртасида эртаю кеч Ўзбекистон байроғи ўрнатилган махсус автобуслар қатнаб туради. Мадинада эса диёримиз мусулмонлари пайғамбар масжиди - Масжиди Набавий яқинидаги «Дорус салом» меҳмонхонасига тушадилар. Улар беш маҳал ибодатни Расулуллоҳ асос солган намозгоҳда бажариш имкониятига эга бўладилар.

Сўзимнинг охирида, минглаб ватандошларимиз ҳаж ибодатини адо этиб қайтгандан сўнг ўзларининг ҳаёт тарзлари ва амаллари билан ёшларимизга намуна бўладилар, фарзандларимизни буюк диний аломалар ўтган Ватанимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб умид билдираман.

**ЎзА**

*Шу сонга хабар*

## ҲАМШИРАЛАРГА

Республиканинг 500га яқин вақтли матбуотига яна бир нашр қўшилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ''Ҳамшира'' журналини таъсис этди. Бу журналнинг чоп этилиши мамлакатимиздаги 250 мингдан ортиқ тиббиёт ходимлари ҳаётида муҳим воқеадир.

Журналнинг илк сонида Соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримовнинг ''Ҳамшира'' таҳририяти жамоасига ва муштарийларига йўллаган табриги, қизиқарли мавзуларда суҳбатлар, хабарлар чоп этилган.

Нашр муассислар Соғлиқни сақлаш, Ижтимоий таъминот вазирликлари, Соғлиқни сақлаш ходимлари Касаба уюшмаси Марказий қўмитаси, Курортлар кенгаши бош бошқармаларидир.

Журналга ''Соғлом авлод учун'' Халқаро хайрия жамғармаси, Фан ва Техника Давлат қўмитаси, ''Камолот'' жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳомийлик қилмоқда.

''Ҳамшира'' илмий-амалий, тиббий-маърифий журнали уч ойда бир марта чоп этилади.

Янги нашр хонадонингизга файзу баракот олиб келсин.

**ХОНБИБИ**

**Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ**

**Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ**

**Навбатчи муҳаррир: Темир ҚУРБОН**

**ТАҲРИРИЯТ:**
**Қабулхона — 136-56-58, 133-95-97; хатлар бўлими — 136-54-64; тижорат бўлими — 133-79-69; ижодкор ёшлар бўлими — 136-54-64; спорт, харбий ватанпарварлик бўлими — 136-58-93, котибият — 136-58-48.**

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Нашр кўрсаткичи 64607

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ**

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012 «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси

Буюртма Г. — 0894. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

Ҳажми — 2 табоқ Газета ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Тираж: 11.024

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2 Босишга топширии вақти ——21.30

1 2 3 4 5 6